

ГИЁҲВАНДЛИК БИЛАН БОҒЛИҚ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Сарсенбаев Арепбай Дауранбаевич

Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирлиги Академияси курсанти

Жамолиддинов Рахматилла Бахтиёр ўғли

Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирлиги Академияси курсанти

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуннинг гиёвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ғайриқонуний муомаласи билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси кўрсатилмаган бўлсада, ушбу моддаларни истеъмол қилувчи шахслар ўртасида махсус профилактикасининг чора-тадбирлари белгилаб берилган. Ана шу воситаларни тامينлаш мақсадида ушбу мақолада қатор омилларни белгилаб ўтмоқдаман. Ушбу мақолада гиёвандлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир долзарб масалалар таҳлил қилинган, муаммо ва камчиликлар ўрганилган ҳамда уларни такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар баён этилган. Гиёвандлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикасига сўнги йилларда катта этибор қаратилмоқда, бундай ҳуқуқбузарликларни олдини олиш эса бутун жамиятнинг вазифасидир.

Калит сўзлар: профилактика, гиёвандлик воситалари, гиёвандлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси.

Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонунда айнан гиёвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ғайриқонуний муомаласи билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси кўрсатилмаган бўлсада, ушбу моддаларни истеъмол қилувчи шахслар ўртасида махсус профилактикасининг чора-тадбирлари белгилаб берилган.

Қонуннинг 26-моддасида қуйидаги тартибда берилган:

Гиёвандлик, сурункали ичкиликбозлик ва психотроп моддаларни ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилувчи шахслар ўртасида қуйидаги ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси чора-тадбирлари амалга оширилади:

- гиёвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг қонунга хилоф равишда муомалада бўлишининг, улар истеъмол қилинишининг, шунингдек алкоголь ва тамаки маҳсулотлари қонунга хилоф равишда ишлаб чиқарилиши ҳамда реализация қилинишининг олдини олиш бўйича профилактика тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- мастлик ҳолатида, гиёвандлик воситалари, психотроп моддалар ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддалар таъсири остида содир этиладиган

ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва шарт-шароитларининг олдини олиш, уларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш бўйича профилактика тадбирларини ўтказиш; - гиёвандлик воситаларини, психотроп моддаларни ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни сақлаш, ташиш, реализация қилиш ва улардан фойдаланиш қоидаларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш³⁷.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ушбу йўналишдаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этишда энг биринчи навбатда гиёвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний савдоси билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар кўпайганда ёки ушбу моддаларни истеъмол этувчи шахслар тоифалари кўпайганда уларнинг таҳлили асосида Республика миқёсида, вилоят ёки таман-шаҳар миқёсида тегишли мансабдор шахсларнинг буйруғи асосида ташкил этилади.

Хусусан, бугунги кунда ушбу йўналишда ИИВнинг тегишли буйруқларида фақатгина **“Қорадори”** тадбирини ўтказиш белгиланган. алоҳида режаси ва кўрсатмаси асосида йилда икки мавсум давомида, биринчи даври **март-июль** ойларида, иккинчи даври **сентябрь-ноябрь** ойларида Республика бўйича **“Қорадори”** тадбири эълон қилинади ва ўтказилади. Тадбирни ўтказиш учун ички ишлар органлари ходимлари бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, хусусан Давлат хавфсизлиги хизмати, божхона, мудоффаа, Фавқулодда вазиятлар органлари билан келишилган режа асосида фаолиятини ташкил этилиши муҳим аҳамиятга эга. “Қора-тадбири” тадбири давомида таркибида гиёвандлик моддалари бўлган ўсимликларни ноқонуний этиштираётган шахсларни аниқлаш мақсадида аҳоли ер томорқалари, дала майдонлари, тоғли ҳудудлар ва бошқа шунга ўхшаш жойларда текширув назорат ишларини амалга оширади, шу билан бирга ёввойи ҳолда ўсаётган наша ва шунга ўхшаш таркибида гиёвандлик воситалари мавжуд бўлган ўсимликларни йўқ қилиш чораларини кўрмаганлик ҳолатларини аниқлайди, айбдорларга нисбатан маъмурий ёки бошқа таъсир чораларини қўллаш чораларини кўради.

Алкоголни суиистеъмол қилувчи ёки гиёвандлик воситаларини, психотроп-моддаларни ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа-моддаларни истеъмол қилувчи шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасига оид бошқа чора-тадбирларни Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрдаги “Сурункали алкоголизм, гиёвандликка, заҳарвандликка мубтало бўлган беморларни мажбурий даволаш тўғрисида”ги Қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади.

Гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддаларини ғайриқонуний равишда тайёрлаш, ташиш, олиш, сақлаш, ўтказиш ёхуд бирор жойга жўнатиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни аниқлайди ва айбдорларни тегишли жавобгарликка тортиш

³⁷ Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни.

чоралари кўрилади. Бу тадбирларни қўллаш амалиётида профилактика хизматлари соғлиқни тизимини давлат томонидан бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари билан ҳамкорликда тегишли ишларни ташкил этади ва амалга оширади. Чунки, шахсни сурункали алкоголизм, гиёвандлик ёки заҳарвандликка мубтало бўлган бемор деб топиш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги белгилаган тартибда тегишли даволаш муассасалари томонидан амалга оширилади. Шахс мажбурий даволашга жўнатиш учун тиббий кўриқдан ўтишдан бош тортган ҳолларда, у ички ишлар идораларининг кўмагида ўн кун муддат ичида наркология муассасасида мажбурий тарзда текширилиши керак. Мазкур тоифадаги шахсларни мажбурий даволашга юбориш тўғрисидаги материаллар тиббий хулоса бўлган тақдирда ички ишлар идоралари томонидан уларнинг ўз ташаббусига кўра, ёки беморнинг оила аъзолари ёхуд қариндошларининг, меҳнат жамоаларининг, соғлиқни сақлаш муассасаларининг, илтимосномалари асосида тайёрланади ва расмийлаштирилади.

Шахсларни мажбурий даволашга жўнатиш масаласи йигирма кунлик муддат ичида бемор яшаб турган жойдаги ёки наркология муассасаси жойлашган ердаги суд томонидан бемор иштирокида ҳал этилади. Бемор узрсиз сабаб билан судга келмаса, у ички ишлар идоралари орқали мажбурий тарзда олиб келинади. Суд шахсни мажбурий даволашга юбориш тўғрисидаги қарори ички ишлар идоралари томонидан бу қарор қонуний кучга кирган пайдан бошлаб кечи билан ўн кунлик муддат ичида ижро этилади.

Ушбу йўналишдаги чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги, “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Спиртли ичимлик ёки гиёванд моддаларни истеъмол қилувчи шахслар қўйидаги тартибда аниқланади ва зарурат туғилганда мажбурий даволаш муассасасига юбориш чоралари кўрилади:

- аҳоли билан ишлаш, ўтказилган тезкор-профилактик тадбирлар жараёнида олинган ахборотлар;
- соҳавий хизмат ходимларининг ахборотлари;
- вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларнинг қарорлари;
- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли бўлган махсус даволаш-олдини олиш муассасаларининг хабарлари;
- фуқароларнинг аризалари, ташкилот ва ўқув муассасаларининг хабарлари;
- меҳнат жамоалари, шунингдек фуқаронинг яшаш жойидаги жамоатчилик ташкилотларининг маълумотлари.

Сурункали равишда спиртли ичимлик ёки гиёванд моддаларни истеъмол қилувчи шахслар томонидан спиртли ичимлик ёки гиёванд моддаларни истеъмол қилган ҳолда жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқларини бузиш, ҳавфсизликларига,

соғлиги ва ахлоқига раҳна солувчи шахсларни сурункали алкоголизм, гиёвандлик ёки заҳарвандлик касаллигига чалинишдан огоҳлантириш, ушбу касалликдан даволаш мақсадида тиббий кузатувга олишни тақозо этадиган шахслар.

Сурункали алкоголизм, гиёвандлик ёки заҳарвандликка мубтало бўлган доимий яшаш жойи аниқ бўлган шахсларни махсус даволаш муассасаларига жойлаштириш борасидаги ҳужатларни тайёрлаш ҳудудий профилактика инспекторлари зиммасига юклатилади ва қуйидагиларни амалга оширади:

- ихтиёрий равишда тиббий кўриқдан ўтишдан бош тортаётган шахслар тўғрисида наркология муассасаларидан тушган хабарга асосида шаҳар-туман ички ишлар идоралари раҳбарларининг кўрсатмасига биноан бундай шахслар даволаш муассасаларига мажбурий равишда келтирилади.

- тўпланган ҳужжатларни судга жўнатиш учун асослантирувчи хулоса тайёрлайди, бунда тиббий комиссиянинг фикри ва хулосаларига асосланган ҳолда шахснинг Соғлиқни сақлаш вазирлигининг махсус даволаш-олдини олиш муассасасида мажбурий даволанишга муҳтожлиги, унинг ихтиёрий даволанишдан бош тортаётганлиги акс эттирилган бўлиши лозим.

Соғлиқни сақлаш идоралари томонидан тоифаларга ажратилган ҳолда шаҳар (туман) ички ишлар органи ХПБ хизматига тақдим этилган рўйхат асосида алкогольни суиистеъмол қилувчи ёки гиёвандлик воситаларини, психотроп-моддаларни ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа-моддаларни истеъмол қилувчи шахслар ўртасида ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси чора-тадбирларини манзилли, ҳар бир шахснинг ижтимоий хавфлилик ҳолатини, у содир этган ҳуқуқбузарлик турини ҳисобга олган ҳолда самарали амалга оширади. Профилактика инспектори гиёвандлик воситалари, психотроп-моддалар ва перекурсорларнинг қонунга хилоф равишда муомалада бўлишини, уларни истеъмол қилинишини, шунингдек алкоголь ва тамаки маҳсулотлари қонунга хилоф равишда ишлаб чиқарилишини ҳамда ноқонуний айланишини (*реализация қилиниши*) олдини олиш бўйича профилактика тадбирларини ИИВ ХПБББ ва ЖҚваТҚКББ ҳамда уларнинг қўйи органлари томонидан ишлаб чиқилган махсус топшириқ, режа ҳамда бошқа турдаги бошқарув қарорлари асосида амалга оширади. Маъмурий ҳудудда мастлик ҳолатида, гиёвандлик воситалари, психотроп-моддалар ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа-моддалар таъсири остида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда бартараф этиш бўйича махсус профилактика тадбирларини ҳудудий ички ишлар органи ёки ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасалар билан биргаликда ишлаб чиқилган махсус режа, дастур ва бошқа бошқарув қарорлари асосида ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси чора тадбирларини амалга ошириш ваколатига эга бўлган субъектлар билан ҳамкорликда амалга оширади.

Профилактика инспектори маъмурий ҳудудда ҳудудий ички ишлар органларининг Жиноят-қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш хизмати, шунингдек, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасаларнинг ваколатли ходимлари томонидан гиёвандлик воситаларини, психотроп-моддаларни ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа-моддаларни сақлаш, ташиш, реализация қилиш ва улардан фойдаланиш қоидаларига риоя этилиши устидан назоратни таъминлаш бўйича махсус чора-тадбирларни амалга оширишда иштирок этиши мумкин.

Гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддаларини ғайриқонуний равишда тайёрлаш, ташиш, олиш, сақлаш, ўтказиш ёхуд бирор жойга жўнатиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни аниқлайди ва айбодларни тегишли жавобгарликка тортиш чоралари кўрилади. Бу тадбирларни қўллаш амалиётида профилактика хизматлари соғлиқни тизимини давлат томонидан бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари билан ҳамкорликда тегишли ишларни ташкил этади ва амалга оширади. Чунки, шахсни сурункали алкоголизм, гиёвандлик ёки заҳарвандликка мубтало бўлган бемор деб топиш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги белгилаган тартибда тегишли даволаш муассасалари томонидан амалга оширилади. Шахс мажбурий даволашга жўнатиш учун тиббий кўриқдан ўтишдан бош тортган ҳолларда, у ички ишлар идораларининг кўмагида ўн кун муддат ичида наркология муассасасида мажбурий тарзда текширилиши керак. Мазкур тоифадаги шахсларни мажбурий даволашга юбориш тўғрисидаги материаллар тиббий хулоса бўлган тақдирда ички ишлар идоралари томонидан уларнинг ўз ташаббусига кўра, ёки беморнинг оила аъзолари ёхуд қариндошларининг, меҳнат жамоаларининг, соғлиқни сақлаш муассасаларининг, илтимосномалари асосида тайёрланади ва расмийлаштирилади.

Шахсларни мажбурий даволашга жўнатиш масаласи йигирма кунлик муддат ичида бемор яшаб турган жойдаги ёки наркология муассасаси жойлашган ердаги суд томонидан бемор иштирокида ҳал этилади. Бемор ўзрсиз сабаб билан судга келмаса, у ички ишлар идоралари орқали мажбурий тарзда олиб келинади. Суднинг шахсни мажбурий даволашга юбориш тўғрисидаги қарори ички ишлар идоралари томонидан бу қарор қонуний кучга кирган пайдан бошлаб кечи билан ўн кунлик муддат ичида ижро этилади³⁸.

Гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда муомала қилиш билан боғлиқ бўлган жиноятларнинг бошқа турдаги ҳуқуқбузарликлардан сабаб ва шароитларининг ўхшашлиги ва уларнинг бир- бирига

³⁸ Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни.

бўлган ўзаро таъсири орқали белгиланади. Жамиятда турли ҳуқуқбузарликларнинг ва гиёвандликларнинг мавжуд бўлиши ва ривожланишининг сабаблари ва шароитларини одатда салбий ҳолатларнинг сабаб ва шароитлари деб аталади.

Криминологлар фикрича, гиёвандликка кўп ҳолларда инсонларнинг паст даржадаги турмуш тарзи, доимий иш фаолиятининг йўқлиги, ишсизлик, эртанги кунга ишончсизлик, ижтимоий муносабатларнинг зиддийлиги, урбанизациянинг салбий оқибатлари, тушкунликка тушиш ва бошқа омиллар сабаб бўлади.

Охирги вақтларда эса барча ҳуқуқбузарликларнинг вужудга келиши, содир этилишининг сабаблари асосан иқтисодий соҳадан, инсонларнинг моддий ҳолатларидан келиб чиқади деб фикр билдиришади. Ўзбекистон Республикасидаги гиёвандликка қарши кураш тўғрисида сўз юритсак, унд абу ҳолат бўйича яъни гиёвандлик билан боғлиқ жиноятлар сони пасаймоқда.

Марказий Осиё халқлари кўп асрлардан буён таркибида гиёванд моддалар бўлган ўсимликларни оғриқ қолдирувчи ва тинчлантирувчи восита сифатида фойдаланиб келишларига қарамасдан Республика ҳудудида гиёвандлик ҳозирги даражадагидек оммалашиб, ижтимоий-сиёсий муаммога айланиб кетмаган эди. Кейинг йилларда айниқса 2017 йилларнинг охири ва 2018 йилларнинг бошларида гиёванд шахслар сони йилдан-йилга ошиб борди. Бу эса ўз навбатида қиморбозлик, фоҳишабозлик, ўғирлик, талончилик каби жиноятлар ҳамда оғир тоифадаги жиноятларнинг содир этилишига олиб келади. Минглаб оилаларнинг ажралиб кетиши ва майиб-мажруҳ фарзандларнинг туғилишига олиб келган. Маълумки, юртимизда амалга оширилаётан суд -ҳуқуқ ислохотларининг асосий максоди «қонун устуворлигини хаётимизнинг барча жабхаларида таъминлаш, эскича фикрлаш, қотиб қолган қарашлардан тезроқ воз кечиш ва аввало, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини олдинги уринга куйиш ва шу асосда йул тутиш , бу жараёнларни тубдан тезлаштириш « дан иборатдир.³⁹

Гиёвандликнинг бевосита сабаби шахсдаги жамиятга қарши қарашлар ва йўналишлар негизида келиб чиқадиган жамиятга зид шахсий мотивлар. Бу сабабларнинг намоён бўлишига шахс маънавиятининг ва маълумот даражасининг пастлиги унинг руҳий камчиликлари ёрдамлашади. Бевосита сабабларини келтириб чиқарувчи омиллар эса қуйидагилардир:

- моддий қийинчиликлар;

-жамиятга зид қарашлар;

-жамиятга зид бўлган хулқ атвор ва одатлар интилишларга эга бўлган шахслар таъсири.

Бу сабабларнинг кўринишига, мавжуд бўлишига кўмаклашувчи бошқа омиллар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

³⁹ Каримов И. А. Биз танлаган йул - демократик тараққиёт маърифий дунё билан ҳамкорлик йули . Т. 2003

Оила тарбиясидаги хато ва камчиликлар;

Мактабда ва бошқа ўқув масканларида тарбиявий ишларни амалга оширишдаги камчиликлар;

Меҳнат жамоаларидаги тарбиявий ишлар ва жамиятга зид хатти- ҳаракатларга қарши курашнинг сушт ва самарасизлиги.

Криминология фанида гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда муомала қилиш билан боғлиқ жиноятларнинг содир қилинишига ёрдамлашувчи шароитлар бир қанча гуруҳларга бўлинган бўлиб булар қуйидагилар:

Гиёванд моддаларни ўзида мужассамлаштирган экинларни аниқлаб йўқ қилиш мақсадида амалга ошириладиган узоқ ҳудудлардаги деҳқон ва фермер хўжаликларига тегишли бўлган дала жойларини назорат қилишдаги этишмовчилик ва суствлик. Ноқонуний равишда экилган гиёванд моддаларни одатда шахслар ички ишлар органларига номаълум ва етиб олиш қийин бўлган ҳудудларга экишади.

Таркибида гиёванд моддалари мавжуд бўлган фармасевтика ишлаб чиқарадиган дори-дармонлар корхона ва муассасаларида ушбуларни сақлаш рўйхат қилиш ҳисоб-китоблари назоратига доир қонун-қоидаларига риоя қилинмаслиги туфайли келиб чиқадиган сабаб ва шароитлар ўз навбатида гиёванд воситалар ва психотроп моддаларнинг ўғирланиши талон-тарож қилинишига олиб келади.

Ички ишлар органлари фаолиятидаги этишмовчилик ва камчиликлар ҳам гиёванд моддаларни ноқонуний равишда муомила қилиш жиноятларининг ривожланишига сабаб ва шароитлар ҳисобланади. Айниқса агар ички ишлар органларининг моддий техник жиҳатдан таъминоти яхши бўлмаса, ва “қора дори” каби профилактик тадбирларда кенг жамоатчилик иштирок этмаса гиёванд восита ва психотроп моддалар билан ноқонуний равишда муомала қилиш ҳаракатларининг олдини олиш ва уларга қарши курашиш анча қийин кечади.

Бундай йўналишдаги сабаб ва шароитларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- Давлат органларида маъмурият томонидан олиб бориладиган тарбиявий, маънавий – маърифий, мафқуавий ҳамда ҳуқуқий онгини ошириш каби ишларнинг суствлиги ёки талабга жавоб бермаслиги;

- Жиноятчилика қарши кураш ва жамоат тартибини қўриқлашда мавжуд муаммолар;

- шахснинг ижтимоий фойдали меҳнатдан бўйин товлаши ва жамиятдан йироқлашиши;

- бирор касбни эгаллашни хоҳламаслиги ва мутахасислигининг йўқлиги;

- ишсизлик;

- оиладаги муносабатларнинг салбийлиги;

- сурункали равишда ичкиликбозлик билан шуғулланиш ва ҳаказо.

Ҳозирга келиб шахснинг рухиятига фаол таъсир кўрсатувчи моддалар доирасидан ижтимоий хавфи жуда катта бўлган, яъни умуман жамиятга ва уни

истеъмол қилувчи ва тарқатувчи шахсларга кенг микёсда зиён келтирувчи гиёвандлик воситалари олимлар ва амалиёт ходимлари томонидан алоҳида ажратиб ўрганилмоқда.

Гиёвандлик воситалари атамасида бир-бири билан боғлиқ бўлган бир нечта меъзонлар назарда тутилади. Ушбу тушунча кўйидаги меъзонларни ўз ичига олади:

Тиббий меъзон, яъни ушбу воситанинг марказий асаб тизимига кўзғатувчи, галлютсиноген, седатив ва бошқача таъсир кўрсатиш натижасида ўзига хос мастлик ҳолатини келтириб чиқариш ва бунга психо-физиологик боғлиқдик (ўрганиб қолиш) туфайли уни нотиббий равишда истеъмол қилиш;

Ижтимоий меъзон, яъни гиёвандлик воситаларнинг нотиббий равишда истеъмол қилиниши аҳоли соғлигини хавф остига қўяди ва кенг тарқалганлиги сабабли ижтимоий аҳамиятга эга бўлади;

Ҳуқуқий меъзон юқорида кўрсатилган иккита мезон дан келиб чиққан ҳолда ваколатли орган томонидан муайян воситанинг гиёвандлик воситаси деб топилши ва унинг гиёвандлик воситалари рўйхатига киритилиши.

Юқорида санаб ўтилган меъзонлардан бирининг мавжуд эмаслиги дори воситаси ёки кимёвий моддани гиёвандлик (наркотик) воситаси деб топмаслик учун асос бўлади. Адабиётларда гиёвандлик воситасига бир хил таъриф берилмайди. Жумладан, М.М.Қодиров гиёвандлик воситасининг тўртинчи (жисмоний) аломати ҳам мавжуд деб хисоблайди ва гиёвандлик воситаларини келиб чиқиш табиатига кўра ҳар хил воситалар (моддалар) деб таърифлайди. С.П.Дидовская гиёвандлик воситалари тушунчасини иккита мазмуний ва расмий ҳуқуқий меъзонлар билан белгилайди. Мазмуний меъзон нуқтаи назаридан, гиёвандлик воситалари - бу истеъмол қилинганда эйфория ҳолатини, мунтазам истеъмол қилинганда эса - гиёвандлик воситасига руҳий ва жисмоний боғлиқлик (гиёвандлик)ни келтириб чиқаришга кодир бўлган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий бўлган моддалардир. Расмий ҳуқуқий меъзон эса муайян гиёвандлик воситаларининг халқаро ҳуқуқий ёки давлатнинг меъерий хусусиятга эга бўлган ички қонунларида, расмий рўйхатларда кўрсатилганлигидан иборатдир. Юқоридаги мезонлар мавжуд бўлмаса у ёки бу воситанинг гиёвандлик воситаси деб топилши мумкин эмас. Мазмуний меъзон - у ёки бу модданинг гиёвандлик воситалари рўйхатига киритилиши учун, расмий-ҳуқуқий меъзон эса тадқиқ этилаётган соҳадаги қонунларни амалга оширувчи органлар учун мўлжал бўлиб хизмат қилади.⁴⁰

Бир қатор муаллифлар «гиёвандлик воситаси» атамаси ўз мазмунига кўра «гиёвандлик моддаси» тушунчаси билан бир хил, шунинг учун ҳам «гиёвандлик моддалари» атамасини қонунда «гиёвандлик воситалари» атамаси билан

⁴⁰ Kadirov M.M. Problemi ugovovno-pravovoy borbi s nezakonnim oborotom narkoticheskix sredstv. - Т.: O'zbekiston, 1993.й

алмаштиришнинг хожати йўқ эди, деб ҳисоблайдилар. Бу атамаларнинг «ўхшашлиги»ни инкор этмаган ҳолда, биз ушбу ўзгартириш мутлако тўғри бўлган деб ҳисоблаймиз, зотан «модда» тушунчаси гиёвандлик предмети деб топилган предметларга ҳам, халқаро Конвентсияларда келтирилган рўйхатларга ҳам мос келмайди, чунки факат моддаларгина эмас, суюқликлар, ўсимликлар ёки бу ўсимликларнинг қисмлари ва дори-дармонлар ҳам гиёвандлик предмети ташкил этиши мумкин. 1999 йилги «Гиёвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги Республика қонунининг номида ҳам гиёвандлик воситалари, деб тўғри берилган.

«Воситалар» атамаси ашёларнинг амалда мавжуд бўлган ҳолатини нисбатан аниқ ва тўлиқ ифодалайди. Шунинг учун ҳам бу атаманинг қонун тилига киритилиши жуда асослидир. Шу боис, Ўзбекистон Республикаси ЖК 270-276 моддаларида назарда тутилган жиноятларнинг предмети ҳақида гап кетганида, «гиёвандлик воситаси» атамасини қўллаш тўғрироқ бўлади. Криминология, психология, педагогикага оид адабиётлар (шу жумладан, оммавий ахборот воситаларидаги маколалар)да эса, гиёвандлик воситаларига нисбатан «гиёвандлик моддаси», «гангитувчи восита», «афьюн» ва бошқа маъно жиҳатидан ўхшаш бўлган атамалар қўлланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида гиёвандлик воситаларининг муомалада бўлишини назорат қилиш ва уларнинг қонунга хилоф равишда улар билан муомала килганлик учун жавобга олик белгилаш мажбуриятлари Ўзбекистоннинг ҳалқаро-ҳуқуқий мажбуриятларидан келиб чиқади. Бугунги кунда Республикамиз гиёвандлик воситалари тўғрисидаги БМТнинг 1961 йилги Ягона Конвентсияси ва 1972 йилда унга киритилган ўзгартиришлар, гиёвандлик воситаларининг қонунга хилоф равишда муомалада бўлишига қарши кураш тўғрисидаги БМТнинг 1988 йилги Конвентсиясига қўшилган.

«Гиёвандлик воситалари» умумий йиғма тушунча ҳисобланади, яъни у саноат усулида ёки кўлда тайёрланганлигидан катъи назар турли кўринишдаги модда (субстантсия)ни ва унинг препарати (аралашмаси), бир ёки бир нечта гиёвандлик воситалари (ва бошқа қўшимчалар, шунингдек, дори-дармон шаклидаги) гиёвандлик воситаларни ҳам уз ичига олади.⁴¹ Ушбу битирув малакавий ишида гиёвандликнинг умумий клиник тавсифи, касалликнинг ривожланиш босқичлари ва бошқалар билан боғлиқ соф тиббий масалаларни батафсил ёритишнинг зарурати йўқ, деб уйлаймиз.

Муаллифларнинг гиёвандлик тушунчасининг тиббий ва ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатларини фарқлаш зарурлиги ҳақидаги фикрларига қўшилган ҳолда, «гиёвандлик»

⁴¹ Ахмедов Г., Кадыров М. Наркомания, преступность, ответственность. -Т.: Ўзбекистон, 1989. - С.81-89.

атамаси жиноят-ҳуқуқий маънода гиёвандлик воситалари билан боғлиқ гайриқонунки хатти-ҳаракатлар умумий тушунчасини ифодалаш учун қўлланилади деб ҳисоблаймиз. Шу боис биз гиёвандлик тушунчасига К.Ш.Курманов берган қўйидаги таърифга кушилаемиз: «Гиёвандлик - одамлар соғлиғига шикоят этказишга қаратилган ўз гайриҳуқуқий, гайриижтимоий ниятларини амалга ошириш мақсадида қонунда белгилаб қўйилган гиёвандлик воситалари билан боғлиқ ижтимоий хавfli жиноий қилмишлар содир этиш»⁴²

Жиноятчиликка қарши курашувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигини оширувчи асосий омилларидан бири ҳисобланади. Чунки бугунги кунда жаҳон мамлакатларида жиноятчиликнинг шакллари ва унга қарши кураш олиб борувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар сони ошиб бораётганлиги ҳаммамизга маълум.

Аввал бошданоқ биринчи президентимиз Ислон Каримов томонидан «Ўзбекистон XXII аср бўсағасида, хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида гиёвандлик ва нарқобизнесга қарши курашнинг мамлакатимиз барқарорлигини сақлашдаги аҳамияти алоҳида таъкидланган эди. Ўтган йиллар давомида нарқобизнесга қарши олиб борилган ишлар мамлакатимизда гиёвандликнинг олдини олиш, психотроп воситалар савдосини бартараф этиш самарадорлигининг ошишига олиб келди.

Республикаимиз мустакилликка эришгандан сўнг гиёвандликка қарши кураш кучайди, унинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Ўзбекистоннинг бу йўналишдаги асосий танлаган йўли трансмиллий уюшган жиноий гуруҳлар нарқотик воситаларни контрабанда қилиш учун республика ҳудудидан фойдаланишининг олдини олиш, гиёвандлик воситаларининг қонуний муомаласи устидан қатъий назорат ўрнатиш, гиёвандлик воситаларининг ноқонуний айланишига қарши курашиш самарадорлигини таъминлаш, гиёвандликка чалинган беморларга кафолатли тиббий ёрдам кўрсатиш, шунингдек, бу соҳада ҳалқаро ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган.

Жиноят кодексида гиёвандлик воситасининг ноқонуний муомаласи учун жавобгарлик белгиланган. Жиноят қонунчилигида бу жиноятларга, айниқса, вояга этмаганларни жалб қилишига алоҳида ҳол деб қаралади. Айрим ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик ўрнатилган. Жиноят қонунчилигидан ташқари яна бир қатор қонунларимиз ҳам гиёвандликка қарши қаратилгандир.

Булардан ташқари, республикаимиз қонунларида салбий иллатлар, гайриқонуний ишлар ва жамоат учун хавfli ҳаракатларга қарши тарбиявий воситаларни қўллаш каби тадбирлар белгиланган.

⁴² Qarang: Курманов К.Ш. Нарқомания: уголовно-правовые и криминологические проблемы. - Фрунзе, 1989. -С. 74.

Наркоманияга қарши кураш қонунчиликни ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилишнинг асосий йўналишларидан ҳисобланади.

Наркотик моддалар одам организмига асосан марказий нерв системаси орқали таъсир этади. Дастлабки пайтда у хурсандчилик, вақтичоғлик, хотиржамликка ўхшаш ҳис пайдо қилади. Бу «ёлғончи ҳис» лардан ўзини тиёлмаган киши иродасизлиги оқибатида яна шу моддаларни истеъмол қилишга ўрганиб қолади, оқибатда нерв-психик ва нерв-соматик касалликларга чалинади. Бундай шахс кайфияти ўзгарувчан кимсага айланади, хотираси ва иш қобилияти кескин пасаяди, кундан- кунга ориқлаб боради. Организмида модда алмашинуви ўзгаради, ички органларнинг нормал ҳолати бузилади.⁴³

Улар бу касаллик оқибатида келиб чиқадиган оғриқ, уйқусизликдан қутулиш мақсадида ўзбошимчалик билан наркотик моддалар дозасини оширадилар. Натижада бундай беморлар «банги»га айланадилар.

Иккинчиси, кишиларнинг онгли равишда, кайф қилиш мақсадида наркотик моддаларга ўрганишидир.

Наркоманияга, одатда, руҳан заиф, иродаси бўш, бировларга тақдид қилишга мойил, ўта худбин кишилар берилувчан бўлади. Бундай шахслар ўз мойилликларига қарши курашолмайдилар. Бора-бора организмдаги мойиллик «мутлақ ғолиб»га айланади. Аввал тажанглик, кайфият бузуқлиги, хотира сусайиши каби руҳий ўзгаришлар, кейинчалик терлаш, юракнинг нотекис уриши, танглайнинг қуруқшаши, озиш, қўл-оёқда титроқ пайдо бўлиши, ранг синиқиши, кўз қорачиғининг кенгайиши каби жисмоний ўзгаришлар рўй беради. Бангилик одамни мажруҳ қилиб қўяди.

Энди у навбатдаги кайфни суриш учун ҳар қандай пасткашликдан тоймайди. Сотқинлик, алдаш, ўғрилик унинг кундалик юмушига айланади. Маълум вақт ўтгач, наркотик доза банги организмига «ҳоким»лик қила бошлайди. Бу даврда наркотик модда дозасининг озгина оширилиши беморнинг ўлимига сабаб бўлиши мумкин. Қаттиқ назорат остида даволанилмас, наркоманнинг ҳаёти хавф остида қолади.

Тиббий текширишлар шуни тасдиқдайдики, наша чекувчиларнинг нафас йўллари касалланиб, ўпка склерози бошланади, мия тўқималари, жигари ишдан чиқади.

Наркоманиянинг генофондга, инсон пуштига салбий таъсири ҳақида медитсинада ишончли маълумотлар бор. Айниқса, ҳомиладорлик пайтида, болани эмизиш даврларида наркотик модда истеъмол қилиш боланинг ўлимига сабаб бўлади ёки бир умрга мажруҳ кишига айлантиради.

Маълумки, гиёвандликнинг ижтимоий хавфлилик томонларини этарли баҳолай олмаслик, бу муаммони кенг жамоатчиликни жалб қилмасдан алоҳида, асосан ҳуқуқий чоралар билан ҳал қилишга уриниш муваффақиятга олиб келмайди. Шу

⁴³ Расулев А.А. Гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан конунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар : Укув - амалий купланма . - Т .. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси 2016

Ўринда гиёвандликнинг тарқалишига қарши туриш, гиёвандлик воситаларини истеъмол қилувчиларни аниқлаш, бундай жиноятларни фош этиш билан бирга, унинг ташкилотчилари, бундай воситаларни тайёрловчилар ва тарқатиш билан шуғулланувчиларни аниқлашда кенг жамоатчиликнинг ўрни катта.

Наркотик моддалар тайёрлаш, сақлаш, сотиш, уни истеъмол қилиш ва қонунга хилоф равишда нопок ишга қўл урганлик учун қонунларимизда жиноий жавобгарлик белгиланганлиги бежиз эмас.

Наркомания инсон ҳаётига қачон, қаердан кириб келган, деган саволга олимлар, социолог тадқиқотчилар кўп вақтлардан бери жавоб ахтарадилар.

Ҳозирги пайтда, Россияда, Европада энг кўп тарқалган наркотик моддалардан бири героин ҳисобланади. Кенг тарқалган наркотик моддалардан яна бири морфий деб аталади. Морфий афюннинг асосий алколоидидир. У афюндан кимёвий йўл билан ажратиб олинади. Морфий оғриқ қолдирувчи кучли наркотик моддалар туркумига киради. У табобатда, асосан, марказий нерв системасига таъсир қилиш керак бўлганда қўлланилиб, оғриқ сезгисини камайтириш, нафас, йўтал ва қусиш марказлари фаолиятини сусайтириш, кўзни ҳаракатлантирувчи нервлар марказини қўзғатиш лозим бўлган пайтда, кам миқдорда ва эҳтиёткорлик билан қўлланилади.⁴⁴

Таъкидлаш лозимки, ёшлар тарбияси соҳасидаги муаммоларни қанчалик тез ҳал қила олсак, бу иллатга қарши самарали кураша оламиз. Бунинг учун ҳар бир кишида ижтимоий бурч туйғусини тарбиялаш керак. Бундан ташқари, бугун барча иллатларга қарши аёвсиз кураш кетаётганда жазолашни асосий чора деб қарамасдан, профилактика, яъни иллатларнинг олдини олишга кўпроқ эътибор бермоқ зарур. Ҳар бир суд ҳукмини тарбия борасидаги катта бир нуксон деб қарамоқ керак. Фақат шундагина «менга нима» деган лоқайдлик касалидан қутиламиз. Жамиятимиздаги ҳар бир муваффақиятга, ҳар бир салбий ҳодисага барча бирдек жавобгардир.

Дунё бўйича нарковазият ёмонлашувининг асосий сабабларидан бири, бир томондан, Афғонистонда ўта катта миқдордаги наркотик моддаларнинг этиштирилиши бўлса, иккинчи томондан уларни ноқонуний равишда «Болкон» (Ерон, Покистон ва Туркия давлатлари) ва «Шимолий» (Марказий Осиё давлатлари) йўналишлар орқали МДҲ ва эвропа давлатларига этказиб берилаётганлигидир. Афғон героини ва опий моддаларининг Марказий Осиё давлатлари орқали транзит ҳолатда ўтиши, наркотик моддаларни этказиш имконини берувчи транспорт тармоғининг мавжудлиги - МДҲ ва эвропа давлатларида наркотик моддалар «қора бозори»нинг кўпайишига ҳамда криминоген ҳолатнинг ёмонлашишига олиб келмоқда.

Республика ҳукумати томонидан гиёвандлик тарқалишининг олдини олиш, гиёвандлик воситаларининг ноқонуний муомалада бўлишига қарши курашишда халқаро ҳамкорликка катта эътибор бериб, бу соҳада илғор хориж тажрибасидан

⁴⁴ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Наркотик воситаларни назорат қилиш миллий марказининг Ўзбекистон Республикасида нарковазият хақидаги 2004 йилги малумотномаси . - Т . , 2004

фойдаланиш, қонунларимизни янада такомиллаштириш бўйича қатор ижобий тадбирлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, мамлакатимизда наркотик моддаларни назорат қилиш, уларнинг ноқонуний айланиши ва гиёвандликка қарши курашиш соҳасида халқаро мажбуриятларнинг бажарилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда⁴⁵.

Айниқса, гиёвандлик воситаларининг қўшни давлатлардан контрабанда қилинишининг олдини олиш учун давлат чегараларини мустаҳкамлашга қаратилган барча чоралар кўрилмоқда, божхона постларининг моддий-техника базаси мустақкамланиб, улар ҳозирги замон талабига жавоб бера оладиган техника воситалари билан жиҳозланмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси -Т 2023
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси-Т 2023
3. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси. Расмий нашр. – Т 2023
4. Jamoliddinov R., Sultonova M. ПОТЕНЦИАЛ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА В ОБЕСПЕЧЕНИИ ОБЩЕСТВЕННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ И УМЕНЬШЕНИЯ ПРЕСТУПНОСТИ //Наука и технология в современном мире. – 2023. – Т. 2. – №. 18. – С. 4-11.
5. Baxtiyor o'g'li J. R. O 'ZBEKISTONDA REFERENDUM O 'TKAZISHINING AKTUALLIGI //Journal of Universal Science Research. – 2023. – Т. 1. – №. 4. – С. 564-567.
6. G'ayratovich M. A., Baxtiyor o'g'li J. R. MINI-FUTBOL SPORT TURI-IIV AKADEMIYASI KURSANTLARINING JISMONIY TAYYORGARLIGINI TAKOMILLASHTIRISH VOSITASI SIFATIDA //SCIENTIFIC APPROACH TO THE MODERN EDUCATION SYSTEM. – 2023. – Т. 2. – №. 20. – С. 28-31.
7. Каршиев У. Х. и др. ZAMONAVIY ICHKI ISHLAR ORGANI HODIMLARIDA CHET TILLARINI O'RNI VA AHAMIYATI! //INNOVATION IN THE MODERN EDUCATION SYSTEM. – 2023. – Т. 3. – №. 29. – С. 493-500.
8. G'ayratovich, Mirsharapov Akmal, and Jamoliddinov Raxmatilla Baxtiyor o'g'li. "MINI-FUTBOL SPORT TURI BILAN SHUG'ULLANUVCHI KURSANTLARDA SHIKASTLANISHNING OLDINI OLISH BO'YICHA CHORA-TADBIRLAR." *Scientific Impulse* 2.16 (2023): 151-154.
9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “ Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – Юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигини гарови ” // ТОШКЕНТ «ЎЗБЕКИСТОН»-2017

⁴⁵ Гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларга қарши курашнинг миллий ва хорижий тажрибаси :бугунги ҳолати ва қонунчиликни татакомиллаштириш истикболлари республика илмий-амалий конференцияси 2017-йил 18-апрель иив академияси т . 2017

10. Абдумуталипов А. Б. и др. ҚЎЛ ЖАНГИ СПОРТ ТУРИНИ КУРСАНТЛАРДА ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА ТАДБИРЛАРИ //PROSPECTS AND MAIN TRENDS IN MODERN SCIENCE. – 2023. – Т. 1. – №. 5. – С. 11-13.